



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Умиджон Икромов

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик бошқарув

мутахассислиги тингловчиси, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12670490>

Маълумки, мустақил юртимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилган. Айниқса, кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида “Ҳамма нарса – инсон манфаатлари учун” тамойили асосида амалга оширилаётган эзгу ишлар барча соҳа вакиллари пенсия ва нафақахўрларни беҳад хурсанд этмоқда. Бу борадаги эзгу ишларни ички ишлар тизимида ҳам кўриш мумкин.

Инсон қайси касбда ишламасин, унга муносиб меҳнат шароити яратиб берилса, ижтимоий ҳимоя қилинса, мунтазам рағбатлантириб борилса, ўша ходимнинг ишчанлик кайфияти ошади, ўз касбига меҳри янада ортади. Амалга оширилган бу каби ижобий ишлар ва рағбатлантиришлар, албатта, ўзининг самарасини беради. Ходимлар бундай эътибор ва ғамхўрликка ўзларининг ҳалол меҳнати ва фидойиликлари билан муносиб жавоб қайтарадилар.

Сўнгги йилларда бевосита ички ишлар органлари тизимида ҳам ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига бўлган эътибор янада яхшиланди. Буни кўплаб мисоллар билан изоҳлаш мумкин.

Жумладан, ходимларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 25 фоизли дастлабки тўлови Вазирлик томонидан қоплаб берилиши, ходимларнинг фарзандларига олий ўқув юртларига кириш учун имтиёз тақдим этадиган сертификатларнинг берилаётгани, санаторийлар ва госпиталларга йўлланмалар, саломатлигини тиклаш учун бериладиган моддий ёрдам пуллари ва бошқа шу каби ғамхўрликларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу эътибор натижасида ўз уйига эга бўлган, фарзандлари олий ўқув юртига кирган, саломатлигини тиклаган ходимларнинг қувончи ва миннатдорлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Улар ушбу касбни танлаганларидан, шу соҳада хизмат қилаётганларидан беҳад бахтиёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ички ишлар органлари шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий



ҳимоя қилиш борасида 2021-2023 йилларда амалга оширилган ишлар натижасида уй-жойга муҳтож бўлган 1 802 нафар ходимларга “тайёр ҳолда топшириш” шартларида қурилаётган арзон уйлاردан хонадонлар ажратилган.

Ипотека кредитлари асосида турар жой сотиб олиш бўйича 2 689 нафар ходимларга дастлабки бадал пуллари тўлаб берилган.

Ижарада яшаб келаётган 20 763 нафар ходим ва ҳарбий хизматчиларга эса ҳар ойлик ижара компенсацияси ажратилгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг амалдаги тасдиғидир.

Булардан ташқари, ўтган йиллар давомида олис масофаларга бориб ишлаётган 100 нафар ходимларга ишлаётган ҳудудидан хизмат уйлари ажратилиб, хизмат хонадонларида яшаб келаётган 207 нафар ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг квартиралари хусусийлаштириб берилди. 1 164 нафар ходимларга эса яшаш шароитини яхшилаш ва уй-жойини таъмирлаш учун фоиизсиз қарз маблағлари тақдим қилинди.

Яна бир эътиборли мисол: 803 нафар ходимларга соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, уларнинг оила аъзолари ҳам бундай эътибордан четга ташлаб қўйилгани йўқ. Хусусан, осойишталик посбонларининг 1 246 нафар яқин қариндошларига операция қилдириш, ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш учун моддий ёрдам берилгани ҳам эътирофга сазовордир.

Барчамизга яхши маълумки, ҳар бир эркак киши ўз шахсий автомашинаси бўлишини истайди. Шу мақсадда юрган, аммо маблағи етишмаётган 174 нафар ички ишлар ходимларига автокредит олиш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида 3 йил муддатга қарз ажратилди ва улар ўз транспортларига эга бўлишди.

Ички ишлар органларида хизмат қилиш – жуда шарафли ва машаққатли вазифа. Эл-юрт осойишталигини таъминлаш учун тунни тонгга улаб, иссиқда ҳам, совуқда ҳам, тоғу тошларда ҳам хизмат қилишга тўғри келади. Баъзан ходимлар ашаддий жиноятчи ва хавфли рецидивистлар билан юзма-юз келадилар. Шу сабабли шахсий таркиб орасида тан жароҳати олганлар, хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларимиз ҳам йўқ эмас.

Эътиборлиси шундаки, хизмат вазифасини бажариш чоғида тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Масалан, ўтган уч йил давомида республика



бўйича ана шундай оила вакилларида 288 нафарига бир марталик нафақа пуллари, 1 866 нафар ходимларга суғурта пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимлари раҳбарияти доимий равишда бундай оилаларнинг ҳолидан хабар олиб турадилар.

Ички ишлар вазирлиги тасарруфида 3 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлиб, бу масканларда соҳа ходимларининг фарзандлари таътил даврини мароқли ўтказишмоқда. Албатта, ходимларнинг фарзандлари бу масканларда имтиёзли тарзда дам оладилар. Ўтган йиллар давомида тизим ходимларининг болалари учун 10 851 та йўлланмалар ажратилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги 15 та мактабгача таълим ташкилотларида ҳам ходимларнинг фарзандлари имтиёзли тарзда, қулай шарт-шароитларда тарбияланаётгани ҳам ижтимоий ҳимоянинг амалдаги яна бир кўринишидир.

Бир сўз билан айтганда, инсон қадрлари ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган Ўзбекистонда барча соҳалар қатори ички ишлар органлари ходимлари ҳам ижтимоий ҳимоянинг барча кўринишларидан самарали фойдаланишмоқда. Бу эса уларнинг қалбидаги Ватанга муҳаббат, касбга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлайди. Эл-юрт осойишталигини сақлаш, жамоат хавфсизлиги таъминлаш борасидаги фидойи хизматларида қўшимча қуч ва ғайрат бахш этади.

